O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 25 январь ЧОРШАНБА
№ 7 (11.810)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури тўғрисида

**2006 йилнинг юртимизда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан ҳамда халқимизнинг маънавий қадрияти сифатида ҳомийликнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, ҳомийлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ушбу жараёнда аҳоли кенг қатламлари, барча мулкчилик шаклидаги ташкилотлар ва корхоналарнинг иштирокини кенгайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш, уларнинг аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳиссасини ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимлари касбининг обрў-эътиборини кўтариш ва меҳнат шароитларини яхшилаш мақсадида:**

1. Қуйидаги масалалар "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"нинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мамлакат бўйича, минтақалар, шаҳарлар, туманлар ва аҳоли пунктлари миқёсида аҳолининг ижтимоий ночор қатламлари, биринчи навбатда ногиронлар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилалар ва етим-есирларга аниқ моддий ёрдам кўрсатиш ва маънавий қўллаб-қувватлаш юзасидан чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш, кексалар ва ногиронлар интернат-уйларида, "Меҳрибонлик" уйларида, жисмоний ва ақлий ривожланишда орқада қолган болалар мактаб-интернатларининг шарт-шароитларини яхшилаш;

ҳомийликнинг мустаҳкам кафолатланиши ва ижтимоий нуқтаи назардан кенг эътироф этилишини таъминлайдиган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, ўз даромадларининг бир қисмини қалб амри билан ҳомийлик мақсадларига йўналтиришга тайёр олижаноб инсонларнинг холисона интилишларини қўллаб-қувватлаш, халқимиз, айниқса ёшларнинг онгида меҳр-мурувват, саховат ва ҳиммат каби эзгу инсоний фазилатларни юксалтириш;

жамият ҳаётида тиббиёт ходими касбининг нуфузи ва унинг мақомини ошириш, моҳир шифокорлар, тажрибали ҳамширалар ва меҳнатсевар санитарларнинг машаққатли ва масъулиятли ишларини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш;

тиббий хизматлар сифатини ошириш, аҳолининг барча табақалари қамраб олиниши ва эркин фойдаланишини таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимининг замонавий моддий-техника базасини, жумладан, хайрия ташкилотлари ва ҳомийларнинг маблағларини жалб этиш ҳисобига, янада мустаҳкамлаш ва ундан самарали фойдаланиш.

2. Республика комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари ҳамда хайрия жамғармалари билан биргаликда ишлаб чиқилган "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ой муддатда ҳомийлик тушунчаси ва унинг мазмун-моҳиятини аниқ белгилайдиган, юридик ва жисмоний шахсларнинг кўмакка муҳтож инсонларга ёрдам кўрсатиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш, жумладан, давлат томонидан тегишли имтиёзлар ва қўшимча имкониятлар беришнинг яхлит тизимини яратишни назарда тутадиган "Ҳомийлик тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритсин;

икки ҳафта муддатда "Тиббиёт ходимлари куни" касб байрамини таъсис этиш бўйича таклифлар киритсин.

4. "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси (Мирзиёев):

нодавлат ташкилотлари, биринчи навбатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, бизнес, фирмалар, компаниялар, халқаро хайрия тузилмаларининг вакилларини ҳомийлик ишларига кенг жалб этиш ва шу асосда ҳомийликни оммавий ижтимоий ҳаракатга айлантириш, мазкур ҳаракат нафақат ушбу Дастур доирасида чекланиб қолмасдан, мамлакат ижтимоий муносабатлар тизимида ўзининг доимий ўрнига эга бўлишини таъминлашга қаратилган барча зарур шарт-шароитларни яратсин;

икки ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари томонидан ҳар бир аҳоли пункти, туман, шаҳар ва идоралар бўйича "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинишини таъминласин;

давлат бошқаруви республика ва ҳудудий органлари ҳамда жамоат ташкилотлари даражасида ушбу Дастур бўлимлари ҳамда бандларини тўлиқ ва сўзсиз бажариш бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини ташкил қилсин ҳамда Дастурга киритилган тадбирларнинг бажарилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания, оммавий ахборот воситалари "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастурининг мақсади ва аҳамиятини очиб бериш юзасидан кенг тушунтириш ишлари олиб борилишини, унда назарда тутилган тадбирларнинг бажарилиши, шу жумладан, аҳоли ўртасида меҳр-мурувват, ўзаро ёрдам ва ҳомийлик ғоялари мустаҳкамланишига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, савобли ишларни амалга ошираётган фуқаролар, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар жамоаларининг қўшаётган ҳиссалари мунтазам ёритиб борилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2006 йил 23 январь.

*2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили*



## ДАҚИҚАЛАР ҚАДРИ БАЛАНД

Бундан икки йил муқаддам халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ангрен шаҳри соғлиқни сақлаш тизимидаги қатор камчилик ва нуқсонлар жиддий танқид қилинган эди. Шундан сўнг тизимни ислоҳ қилиш ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, босқичма-босқич амалга ошира бошланди.

— Илгари бутун шаҳар бўйича саноқли тез тиббий ёрдам машинаси бор эди, — дейди бўлим бош шифокори Ғани Қосимов. — Кўп ҳолларда аҳоли чақирикларига етиб боришнинг иложи бўлмасди. Ҳозир барча қулайликларга эга 8 та тез ёрдам машинаси аҳолига хизмат қилмоқда.



Бўлимнинг 138 нафар ходими 150 минг аҳолига сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатмоқда. Бир кунда аҳолидан 120 тагача чақириқ тушади. Албатта, уларнинг барчасига вақтида етиб бориш осон иш эмас. Шунинг учун шаҳарнинг яна учта мавзесида қўшимча тез тиббий ёрдам пунктлари фаолияти йўлга қўйилган.

— Юрак хуружи тутиб, аҳволим оғирлашиб қолди, — дейди Матлуба Сатторова. — Фарзандларим тез тиббий ёрдамга қўнғироқ қилишди. Ўн дақиқада етиб келган шифокорлар мени бўлимга келтиришди. Кардиолог Зоирхон Комилов дардимга малҳам бўлди.

Шаҳар соғлиқни сақлаш тизими раҳбарлари ҳамда бўлим ходимлари 2006 йилда ҳам тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш мақсадида бор имкониятларни ишга солмоқдалар. Хусусан, бўлимга дори-дармон келтириш учун давлат ҳисобидан қарийб ўн миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Бу ўтган йилларга нисбатан анча кўп.

***СУРАТЛАРДА:*** *бўлим ҳаётидан лавҳалар.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## ҲОМИЙЛИК ЁРДАМИ

**Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Олмалиқ шаҳрида ибратли ишлар амалга оширилаётир.**

Вилоят фан ва таълим ходимлари ҳамда шаҳар халқ таълими бўлими касаба уюшмалари билан ҳамкорликда шаҳардаги 80-махсус интернатга ҳомийлик ёрдами кўрсатди. Муассасанинг 150 нафар тарбияланувчисига 450 минг сўмлик ўқув қуроллари тақдим этилди.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

*Президент табригини ўқиб*

## БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

**Яқинда Жиззах вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирида ўз йигитлик бурчини ўтаётган ҳамқишлоғим — асли дўрмонлик оддий аскар Қобилжон Хожиевдан мактуб олдим. Табиатан ҳарбийча ҳаётга, аниқроғи, қатъий тартиб-интизомга у қадар хуши бўлмаган танишим хизматининг бориши, у ердаги шарт-шароитлар, орттирган дўстлари, қисм раҳбарлари билан муносабатлари ҳақида тўлқинланиб ёзибди.**

Аскарнинг самимиятга тўла мактубидан ёшлик шўхликлари ортда қолиб, хизматда чинакам йигитлик даврини, ҳақиқий мустақил ҳаёт мактабини ўтаётгани, эртанги ҳаёти учун мустаҳкам пойдевор қўяётганидан фахр ва ифтихор ҳиссини туяётганини билиб олиш қийин эмасди. Унинг ёзишича, бурч ва масъулият ҳисси уни тамоман қайта тарбиялабди. Хизматдан қайтгач, ҳарбийча ҳаётни давом эттиришга, давлатимиз томонидан берилаётган беназир имтиёз ва ғамхўрликлардан фойдаланиб, офицер бўлиш учун ўқишга аҳд қилибди. Очиғи, унга ҳавасим келди ва ҳозирча жавоб мактубимни йўллаб улгурмаган бўлсамда, унинг чинакам йигитга хос қатъияти, шижоатига қойил қолдим, эзгу орзу-умиди ва улуғвор мақсадларидан руҳландим, омадини берсин...

Мамлакатимиз раҳбари, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригини синчиклаб ўқиб чиқар эканман, беихтиёр аскар ҳамқишлоғимнинг дил сўзларини эсладим. Чиндан ҳам, Ватанимиз посбонлари, сарҳадларимиз қўриқчиларининг шарафли хизматлари ва ўтаётган бурчлари қанчалар эъзозга муносиб эканлигини ҳис этдим, юрт олдидаги масъуллик улар учун чинакам саодатга айланганига яна бир бор амин бўлдим. Бинобарин, Юртбошимиз табригида қайд этилганидек, ўз ҳаётини дунёдаги энг муҳим ва олижаноб вазифа — Ватан ҳимоячиси деган шарафли касбга бағишлаган инсонлар давлатимиз ва жамиятимизда ҳамиша юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносиб бўлиб қоладилар.

Сирасини айтганда, юртимизда ҳарбий тизимни ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган пухта режали, узоқни кўзловчи ислоҳотлар самараси босқичма-босқич бўй кўрсатмоқда. Мустақиллик йилларида соҳага жорий этилган ва этилаётган янгиликлар, орттирилаётган бой тажрибалар, ҳарбий хизматчиларнинг ҳар томонлама тайёргарлиги, ҳарбий ва дунёвий маълумотининг баркамоллиги каби кўплаб жиҳатларга таяниб, ҳар биримиз миллий Қуролли Кучларимиз билан ҳар қанча фахрланишга ҳақлимиз.

Яширишнинг ҳожати йўқ, ён-атрофимизда юртимиздаги тинчлик ва осудаликка раҳна солмоқчи бўлаётган, халқимизни танлаган йўлидан қайтариб, кимларгадир тобе қилишга уринаётган, мамлакатимизда бевосита Президентимиз раҳнамолигида қўлга киритилаётган оламшумул тарихий ютуқларимизга ҳасад назари билан қараб келаётган ғараз ниятли кучлар бор ва улар қайсидир пучмоқларда пайт пойлаб ётганликлари ҳам эҳтимолдан холи эмас.

«Бундай вазиятда барчамиз доимо ҳушёр ва сергак бўлиш, янги куч ва имкониятларимизни сафарбар этган ҳолда, Қуролли Кучларимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини янада чуқурроқ англаймиз», дейди Юртбошимиз табрикда нафақат ҳарбийлар, балки бутун эл-юртимизга мурожаатан.

Дарҳақиқат, миллий армиямизни сифат жиҳатдан тобора юксак даражага кўтариш чора-тадбирлари шу нуқтаи назардан ҳам ўз долзарблигини йўқотмай келаяпти. Ўз навбатида, барчанинг энг муқаддас туйғуси ва олий мақсади ҳамиша ўз уйи, ўз Ватанини муносиб ҳимоя қила олишга қаратилса, ҳаммамизнинг шууримизда ана шундай дахлдорлик ҳисси шакллланса, кўзлаган марраларимизга эришишимизга шубҳа қолмайди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**Чирчиқ шаҳридаги Офицерлар уйида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан вилоят касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида "Ёшлар – миллат фахри" мавзуида тадбир ўтказилди.**

## ЁШЛАР — МИЛЛАТ ФАХРИ

Тадбирда Қуйичирчиқ тумани ФҲДЁ бўлими мудири Омона Холиқова Чирчиқ шаҳридаги коллеж ва академик лицей ўқувчиларига ёшларни оилага тайёрлаш, никоҳ шартномаси, оила қуришда ҳар бир ёшнинг вазифа ва бурчлари ҳамда ҳуқуқлари хусусида сўзлаб берди. Ўқувчи ва талабалар саволларига жавоб олишди.

**«Туркистон-пресс».**

*Ифтихор*

## ЮРТИМИЗНИНГ ЮТУҒИДАН ҚУВОНИБ ЯШАНГ

Бундан икки-уч йил илгари шоличилик хўжаликларидан бирига узоқ Австралиядан меҳмонлар келиб, бу ердаги ишлар билан танишдилар. Бир пиёла чой устида бўлган суҳбатда эса уларнинг бири Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришларни ўз кўзи билан кўрганлигини айтиб, «юртингизнинг ютуғидан қувониб яшанг», деб тилак билдирди. Шу суҳбатнинг гувоҳи бўлсам ҳам, меҳмоннинг бир оғиз гапига кўпам эътибор бермаган эканман. Кечагина фермер бўлган қўшнимнинг қувончини кўриб, беихтиёр шу гап ёдимга келди.

Ахир юзлаб гектар ерларни кечагина кетмон кўтариб юрган деҳқонга хатлаб бериб, «мана биродар, рўзғорингни қилиб бердим, қани ўзингни кўрсат» деб турса, бу юртнинг ютуғи эмасми?

Мустақилликнинг одамлар онгида очган янги бир қўриғи шубҳасиз фермерликдир. Ўтган йиллар мобайнида оддий деҳқондан уста, билимдон, пишиқ фермерларга айланган неча кишиларни кўрдик. Улар ҳозир ҳисоб-китобдан гап кетса даврада ҳеч кимга сўз бермайди, ҳаққини таниб қолган. Ернинг эса қадри ошиб бормоқда, ернинг қучоғи тўлди, гўё.

Умид билан ер олган фермер албатта бирданига оёққа туриб кетмайди. Қўшним ҳам тумандаги зўр-зўр фермерларни санаб «эҳе, уларга етишга ҳали вақт бор, лекин етамиз, ниятимиз тоза, худо хоҳласа...» дейди. Юртнинг одамлари тоза ният билан яшаса, юртнинг ютуғи эмасми?

Қишлоқларда қад кўтараётган, замонавий ва кўркам қилиб қурилаётган коллеж ҳамда мактаблар, айниқса, спорт иншоотларининг кўпайиб бораётганлиги шубҳасиз юртимизнинг энг катта ютуқларидан бири!

Мактабга бўлган эътибор болаларимизнинг онгида қилаётган улуғ ишларимизга ишончларини орттиради ва Ватаннинг қудратини, унинг табаррук замин эканлигини танитади. Ўқитувчиларнинг маошлари оширилиши ҳам маърифат йўлида катта сифат даражасига кўтарилишга бир омилдир. Умуман маънавият ва маърифат йўлидаги изланишларимиз шубҳасиз юрт ютуғи!

Мустақиллик йилларида эришган юрт ютуқларидан яна бири инсонпарварлик ғояларининг амалга татбиқ этилишидир. Хўш, бу нималарда намоён бўлади?

Ҳар бир йилнинг муайян йўналиш бўйича номланишининг замирида айнан инсонпарварлик ғоясинининг ётганлигини яхши биламиз. Аёллар йили бўладими ёки Соғлом авлод йилими, Қарияларни қадрлаш йилими, Обод маҳалла йилими ё Сиҳат-саломатлик йилими хуллас ҳаммасида баркамол инсонга қаратилган бир ғоя мавжуддирки, шубҳасиз бу ўз самарасини кўрсатмоқда.

Ҳар бир йилда белгиланган тадбирлар асосида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилаётганлигини халқ кўриб турибди ва уни ҳис этиб, сезмаслиги мумкин эмас. Масалан, биргина Сиҳат-саломатлик йилида амалга оширилган ишларни Юртбошимиз ўзининг Янги йил табригида атрофлича таҳлил қилди.

2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»деб номланишида ҳам инсонпарварлик ғояларининг кенг тарғиб қилинишини олдиндан кўриб турибмиз. Бу эса халқ онгида бугунги ўзгаришларга комил ишончни мустаҳкамлайди. Бугунги кунга ва келажакка одамларнинг ишончи — юрт ютуғи! Бу ютуқнинг салмоғи катта ва у қилиниши лозим бўлган вазифаларнинг остонасига қўйилган биринчи қадамдир.

Тадбиркорлик фаолиятига кенг ўрин берилиши, уларнинг давлат томонидан ҳар тарафлама қўллаб-қувватланиши ҳам юртнинг ютуғи ҳисобланади. Негаки, эски замоннинг одамлар онгини занжирлаб ташлаганининг айнан бир томони тадбиркорликнинг ҳар қандай кўринишини бўғиб ташлаш бўлган. Бунга деярли йўл йўқ эди. Энди-чи? Вазият бутунлай бошқа томонга қараб ўзгарди. Одамлар тадбиркорликни ўрганмоқда ва фарзандларига ҳам ўргатмоқда. Айниқса, ёшларимизнинг бу соҳага эътиборини кўпроқ қаратиш ҳар хил шаклларда намоён бўлаётган хавфу хатарларга эргашмаслик ва инсон меҳнат билан яхши яшаши мумкинлигини тўғри тушуниб, четдан туриб берилаётган ваъдаларнинг барчаси ҳавойи гаплар эканлигини англашга йўл очади.

Юрт ютуқлари ҳақида битта мақолада атрофлича ёзган билан уни тугатиб бўлмайди. Зеро, бунга ҳожат ҳам йўқ. Чунки, нимаики ютуқ бор экан — бу халқники, бу юртники!

**Ҳамид НОРҚУЛОВ.**

*ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!*

## ОАВ ВАКИЛЛАРИ УЧУН «ОЛТИН ҚАЛАМ» ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ

"Олтин қалам" халқаро танлови Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бўлиб, у миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимларининг фуқаролик позициясини намоён этиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида ўтказилади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази танлов ташаббускорлари бўлиб, у ҳар йили ўтказилади. Танлов натижалари 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги куни эълон қилинади.

(Давоми 2-бетда).

# МАМЛАКАТ ҲАЁТИ

## ХИТОЙЛИКЛАР ТАШРИФИ

**Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ли Чжаосин қисқа муддат билан Тошкентда тўхтаб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Элёр Ғаниев билан Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ли Чжаосиннинг мулоқоти чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**ЎзА.**

## ЖУРНАЛИСТИКА МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ҳозирги замон ўзбек журналистикаси муаммоларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.**

Мазкур университет ва ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва талабалар иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққанлар бу соҳада мамлакатимизда кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар. Жумладан, жамиятимизда фикрлар хилма-хиллигига эришиш учун нодавлат оммавий ахборот воситалари фаолияти кенг йўлга қўйилиб, жамоатчилик телеканалини шакллантириш ишлари жадал давом этмоқда. Айни пайтда оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ролини янада ошириш, соҳа вакилларининг касб маҳоратини юксалтириш муҳим аҳамиятга эга.

**Жасур КЕНГБОЕВ, ЎзА мухбири.**

**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон миллий марказида Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг ўзбек тилидаги нашри тақдимоти бўлиб ўтди.**

## КОНВЕНЦИЯ ЎЗБЕК ТИЛИДА

Мазкур китоб ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида нашр этилди.

Тақдимот маросимида ушбу халқаро ҳужжатнинг лотин ва кирилл алифболарида нашр этилиши кенг жамоатчиликнинг бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги билимларини янада оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Мазкур конвенция давлат ва нодавлат ташкилотлар, олий ва халқ таълими ўқув юртларига, кенг халқ оммасига тарқатилади.

**«Туркистон-пресс».**

## МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

**14-20 январь кунлари Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида математика ва физика фанларидан 2-халқаро Жаутиков олимпиадаси бўлиб ўтди.**

Унда 28 та давлатдан вакиллар иштирок этди. Олимпиадада Ўзбекистон Республикаси жамоаси сифатида Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги физика-математикага ихтисослашган иқтидорли болалар 1-мактаб-интернати ўқувчиларидан 7 нафари қатнашди. Ўткир Болтаев ва Жасур Кўчқоров математика фанидан 2 та кумуш медални қўлга киритиб, вакилларимизнинг умум жамоа ҳисобида совринли 3-ўринни эгаллашларига катта ҳисса қўшдилар.

**Ибодилла МЎМИНОВ.**

## МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

**Бекобод металлургия комбинатида ўтган йили амалдаги нарх билан 206 миллиард 245 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.**

Тайёрланган халқ истеъмоли моллари 4 миллиард 400 миллион сўмликни ташкил этди. 89 миллион 617 минг АҚШ доллари ҳажмидаги металл буюмлар эса экспортга жўнатилди. Йил давомида маҳсулотлар тури 4 тага кўпайди. Жумладан, «Арматура-12», «Арматура-1», «Квадрат-12», «Квадрат-10» номлари билан ишлаб чиқарилаётган бундай маҳсулотлар қурилишга мўлжалланган.

Айни вақтда бу ерда рангли металл ишлаб чиқаришга ихтисослашган цехлар реконструкция қилинмоқда.

**Мунаввара РАЖАБЗОЙ қизи.**

*Қўшма корхоналарда*



## СИФАТИГА ЭЪТИРОЗ ЙЎҚ

Янгийўл туманидаги «Я-Дем текстиль» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасида бугунги кунда 1366 нафар ишчи ва хизматчи меҳнат қилаётир. Шундан 1012 нафари аёллар.

— Корхонамиз ўз иш фаолиятини аслида 2003 йилда бошлаган бўлса-да, очилиш маросими 2004 йилнинг февраль ойида ўтказилган, — деди корхона бош директори Олжай Киналикая. — Лойиҳанинг қиймати эса 21 миллиони АҚШ долларига тенг бўлиб, Туркия томонидан 12 миллион сармоя сифатида киритилган бўлса, 9 миллиони Ўзбекистон улушига тўғри келади.

Айни кунларда корхонада 4-5 турдаги тўқимачилик маҳсулотлари, жумладан, спорт ҳамда аёллар кийимлари, эркаклар учун мўлжалланган узун ва калта енгли кўйлаклар тайёрланмоқда. Ушбу маҳсулотларнинг 95 фоизи асосан Америка Қўшма Штатларига, Туркия, Германия ҳамда Россияга экспорт қилинмоқда. Катта ҳажмдаги экспорт салоҳиятига эга ушбу корхонада истеъмолчиларга бирорта ҳам сифатсиз маҳсулот етиб боришига йўл қўйилмайди. Чунончи, тайёрланаётган маҳсулот сифати юзасидан бирон-бир эътироз ёки норозилик бўлгани йўқ.



Жамиятнинг ўрама цехида кунига пахта толасидан 12-13 тонна мато тайёрланиб, ўралади. Бунинг учун 58 та ўрама, 15 та қўшимча асбоб-ускуналар мавжуд. Энг асосийси, маҳсулот тайёрлаш учун асқотаётган хом ашёнинг 98 фоизи ўзимизники. Хом ашё асосан Яккабоғ, Шаҳрихон, Қарши шаҳарларидан, бундан ташқари «Чай-Даратекс», «Ўзбектекстиль», «Ўзбек-Қобул LTD» қўшма корхоналаридан келтирилмоқда.

Дарҳақиқат, бугун корхонада тайёрланаётган тўқимачилик маҳсулотлари Ўзбекистон довруғини ошириб, халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда.

2004 йилда 2 миллион донага яқин маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 3 миллиард 800 миллион сўмлик даромад кўрилган бўлса, 2005 йилда 3 миллион 800 дона маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилди. Даромад 7 миллиард 785 миллион сўмга етди. Соф фойда 600 миллион сўмдан ошиб кетди.

Янги режалар асосида меҳнат қилаётган жамоа бу йил корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини юз фоиз ўзлаштирмоқчи.

**Хуршида НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

***СУРАТЛАРДА:*** *корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнидан лавҳалар.*

## ОАВ ВАКИЛЛАРИ УЧУН «ОЛТИН ҚАЛАМ» ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Танлов турли номинацияларда маҳаллий ОАВ – телевидение, радио, матбуот (охиргиси интернет-журналистикани ҳам ўз ичига олади) ходимлари ўртасида ўтказилади. Битта номинация эса чет эллик журналистлар учун мўлжалланган. Танловда қатнашиш учун буюртмалар ОАВ жамоаларидан, ижодий уюшмалардан, журналистика йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотлардан (даъвогар биттадан ортиқ бўлмаслиги керак), шунингдек, мустақил журналистлардан қабул қилинади.

"Олтин қалам" танловини ҳар йили ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ва танлов ғолиби учун мукофотлар давлат бюджети ҳамда республикадаги, шунингдек, халқаро ташкилотлар томонидан молиялаштирилади.

### 1. "Олтин қалам" нишонининг тузилиши.

"Олтин қалам" нишони "Рондо" пероси шаклида бўлиб, перонинг уч қисми юқорига қаратилган ҳолда жойлаштирилган. Нишон кўкракнинг чап томонига тақилади.

Нишон кумушдан ясалади ва тилла суви билан қопланади.

### 2. Танлов шартлари:

2.1. Конкурсга аввалги йилнинг 31 мартидан жорий йилнинг 31 мартигача бир йил давомида газета-журналларда чоп этилган, радиода эфирга узатилган ва телевидениеда намойиш этилган материаллар 10 апрелгача қабул қилинади.

2.2. Конкурс икки кўринишда ўтказилади:

*Асосий номинация – энг яхши журналистик материал учун.*

Мукофотлар ОАВларининг уч тури бўйича таъсис этилади:

– телевидение; – радио; – матбуот (интернет-журналистика ҳам киради). – Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар: – журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;

**– йилнинг энг яхши дебюти учун; – энг яхши карикатура учун; – энг яхши фоторепортаж учун; – чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материаллари учун.**

2.3. Танловга босма, радио ва телематериаллар (камида 5 та иш) тақдим этилади. Босма нашр учун: материал чоп этилган даврий нашрнинг асли (ёки нусхаси).

Телекўрсатув (видеоматериал)лар учун: – видеоматериалларнинг давомийлиги 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак; – материал, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишида бўлмасин, рангли тасвирда бўлса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Радиоэшиттириш (аудиоматериал)лар учун: – материалларнинг давомийлиги 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак; – материал ёзилган аудиокассета ёки системали диск.

2.4. Ишга муаллиф тўғрисида қуйидаги маълумотлар илова қилинади:

– фамилияси, исми ва отасининг исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот; – манзили, телефони; – паспортга оид маълумотлари.

### 3. Танловни ўтказиш тартиби.

Танлов иштирокчиларининг ишларини етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг вакиллари орасидан танланган халқаро ва республика экспертларидан иборат танлов ишларини кўриш ва баҳолаш бўйича жюри кўриб чиқади.

Ишлар қуйидаги мезон бўйича баҳоланади: мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални етказишдаги аниқлик ва ўзига хослик, жанрнинг хилма-хиллилиги ва бошқалар. Ҳар бир иш беш балли система бўйича баҳоланади.

Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги "Журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун" номинацияси бўйича ғолиблар жюри аъзоларининг оддий овоз бериш йўли билан аниқланади.

Ташкилий қўмитанинг доимий ишлаши кўзда тутилган. Унинг вазифаларига қуйидагилар киради: – танловни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш; – танлов иштирокчиларининг ҳужжатлари ва материалларини қабул қилиш; – танлов иштирокчиларига хабар бериш. Жюри таркиби ташкилий қўмита томонидан белгиланади.

### 4. Ғолибларни мукофотлаш.

4.1. Танловнинг асосий номинацияси бўйича ғолиблар "Олтин қалам" нишони ҳамда энг кам иш ҳақининг 150 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

4.2. Танловнинг бошқа номинациялари бўйича ғолиблар дипломлар, статуэткалар ва энг кам иш ҳақининг 75 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

4.3. Танлов натижалари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

4.4. Мукофотлар ҳар йили 3 майда тантанали равишда топширилади.

4.5. Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

***Материаллар "Олтин қалам" танлови деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилади: Ўзбекистон, Тошкент шаҳри – 700129, Навоий кўчаси 30-уй. 3-қават, 30; 35; 37-хоналар Телефонлар: 144-37-87; 144-64-61; 144-64-62. Факс: 144-69-65.***

***Ташкилий қўмита.***

*Изчил ислоҳотлар йўлида*

**Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг ўз тамойиллари борки, уларга амал қилмаслик халқ хўжалигининг барча тармоқлари қатори саноат ишлаб чиқаришида ҳам нохуш оқибатларга олиб келади.**

## ТИКЛАНИШ ПАЛЛАСИ



Буни вилоятимизда фаолият кўрсатаётган қатор хўжалик юритувчи субъектлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Унинг талабларига тўла риоя этмаётган, ўз фаолиятида буни ҳисобга олмаётган корхона-ташкилотлар қийин иқтисодий аҳволга тушиб, ночор ва зарар кўриб ишлаётган меҳнат жамоалари сафига қўшилмоқдалар. Жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар, мутасадди идоралар уларни бундай аҳволдан чиқариш учун зарур чора-тадбирларни амалга оширишга мажбур бўлмоқдалар. Шу йўл билан қатор қолоқ ишлаб чиқариш корхоналарида иқтисодий аҳвол сезиларли яхшиланмоқда, айрим меҳнат жамоалари ўзларига берилган имтиёзлар, енгилликлардан оқилона фойдаланиб, қадларини қайта тиклаб олишга эришмоқдалар. Ўтган йили сал кам 40 та иқтисодий ночор ва 60 тадан ортиқ зарар кўриб ишлаётган корхоналарда иқтисодий соғломлаштириш чораларини кўриш туфайли улар фаолиятида ижобий силжишга эришилди. Мониторинг олиб борилиши натижасида 6 та корхона давлат кўмаги билан соғломлаштирилди, ўн еттита хўжалик ички имкониятлар ҳисобига ночорликдан халос бўлди.

Давлат берган катта иқтисодий ёрдам, имтиёз ва қулайликлардан фойдаланган олтита корхонада ишлаб чиқарилган ва ойлаб харидор топилмай, ортиқча юк бўлиб ётган сал кам етти юз миллион сўмлик тайёр маҳсулот ва товар-моддий бойликлар сотилди. Масалан, ўтган йилнинг ўн бир ойида уларнинг 1 миллиард 576,8 миллион сўмлик дебитор қарзлари ундирилди. Сал кам ўттиз миллиард сўмлик қарзларининг тўлаш муддати узайтириб берилди. Айни вақтда 34 миллион сўмлик жарима ва пеняларидан кечилди.

Шу корхоналар қаторидаги «Ўзбеккўмир» компаниясига деярли олти миллиард сўмлик инвестиция киритилди. Давлат ёрдами билан «Биокимё», «Паллада Восток» корхоналари жамоалари ҳам иқтисодий кўрсаткичларини анча яхшилаб олдилар.

Ўтган йилнинг биринчи ярмида ночор аҳволга тушиб қолиб, катта иқтисодий қийинчиликларга дучор бўлган «Биокимё» очиқ акциядорлик жамияти давлат берган амалий ёрдам билан иккинчи ярим йилликда ишда кескин бурилиш ясашга эришди. Чунончи, биринчи ярим йилликка нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми сал кам беш ярим миллиард сўмлик кўпайди. Тайёр маҳсулотни сотиш ҳам деярли шунча ошди. Ички заҳиралардан фойдаланиш ҳисобига режа-тадбирда кўрсатилган 171,1 миллион сўмлик ортиқча товар моддий бойликлар ва тайёр маҳсулотларга харидорлар топилди ва уларга сотилди. 311 миллион сўмлик дебиторлик қарзлари 100 фоиз ундирилиб, мажбурий тўловлар бўйича кредиторлик қарзларининг муддати узайтирилди.

Яратиб берилган имкониятлардан оқилона фойдаланилгани туфайли жамоа молия-хўжалик фаолиятини 45 миллион сўмлик фойда билан якунлади.

Ички имкониятлар ҳисобига иқтисодий аҳволини яхшилаб олган 17 та корхона қаторида «Эйвалек махсус темир-бетон» очиқ акциядорлик жамияти ҳам бор. Ўтган йилнинг ўн бир ойи якунида ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 миллиард сўмга кўпайди. 1 миллиард 373,7 миллион сўмликдан зиёд темир-бетон буюмлари сотилди. 497 миллион сўмлик кредитор қарзларининг тўлов муддати узайтирилди. Жамият таркибида «Эйвалек қувур» шўъба корхонаси барпо этилиб, янги ишчи ўринлари яратилди. Натижада молия-хўжалик йили 91,5 миллион сўм соф фойда билан якунланди.

Юқорида айтганимиздек, вилоят бўйича 17 та корхонани иқтисодий соғломлаштириш фақат ички имкониятларни аниқлаб, сафарбар этиш эвазига амалга ошганлиги диққатга сазовордир. Бу корхоналарнинг 1 миллиард 233,7 миллион сўмлик тўпланиб ётган моддий бойликлари ва товар маҳсулотлари сотилди. Бундан ташқари катта миқдордаги дебиторлик қарзлари ундирилди, 42,5 миллион сўмлик ортиқча харажатлар қисқартирилди. Уларга 1,3 миллиард сўмликдан ортиқ ва 1,4 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритилди.

Бу ишлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2005 йилнинг 3 октябридаги кўрсатмаси билан зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор, истиқболсиз корхоналарни тугатиш, таркибий ўзгартириш ва ихчамлаштириш бўйича тасдиқланган ҳудудий дастурга мувофиқ амалга оширилди. Шу мақсадга қаратилган чора-тадбирларни кўриш бундан буён ҳам давом эттирилади. Демак, яна ўнлаб иқтисодий ночор хўжалик юритувчи субъектлар соғломлаштирилади. Ҳукумат ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг амалий ёрдами билан қолоқликдан чиқиб олган корхоналар маъмуриятлари ишда юз берган ижобий ўзгаришларнинг қадрига етишлари, бу жараён тўхтовсиз давом этиши, яна ночор аҳволга тушиб қолмаслик учун барча зарур чора-тадбирларни кўришлари, бунинг учун аввало бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олишлари ва уларга оғишмай амал қилишлари лозим. Вужудга келган муаммоларни ўз кучлари билан ҳал қилишга эришишлари, ташқаридан келадиган ёрдамни кутиш каби ҳолатга чек қўйишлари зарур.

**Мирсобир МИРҲАМИДОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## ҚУТҚАРУВЧИЛАР СЕРГАК

**Шу кунларда Буюк Ипак йўлининг Тошкент-Ўш йўналишида, айниқса, унинг Қамчиқ довонида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бирмунча мураккаб вазифаларни бажаришга тўғри келмоқда. Фавқулодда вазиятлар олдини олиш тизими идоралари ходимлари ўз хизмат бурчларини кечаю кундуз тадбиркорлик билан бажариш учун сергак туришибди.**

Бу тизимда вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси куч ва воситаларининг ўрни алоҳида аҳамиятли. Шу минтақада яшовчи аҳоли ўтган йилнинг февраль ойи бошларидаги қор кўп ёғиши оқибатларини бартараф этиш чоғида кўрсатилган ғамхўрликларни ҳали ҳам унутгани йўқ. Ўша ташвишли кунларда улар бошқа идораларнинг тегишли хизмати ходимлари билан ҳамкорликда фуқаролар ва техника воситаларини қисқа вақтда хавфсиз жойларга олиб чиқишганди.

Қутқарувчиларнинг фидокорликлари, ўз вазифаларини жонкуярлик билан бажаришлари туфайли баҳор кези сел келиши, ер кўчиши мумкин бўлган йўналишларда катта ҳажмларда тупроқ ишлари бажарилиб, дарё, сой ва каналлар тозаланди. Бир қатор хўжаликлар, 160 киши хавфсиз жойларга кўчирилди.

Бугунги кунда ҳам кузатувчилар ва қутқарувчилар ўз хизмат постларида юқори тайёргарлик ҳолатида туришибди. Юқори тоғли ҳудудларда, хусусан, Шаваркўл, Юқори Ихнач, Қуйи Ихнач, Бадаккўл ва Урунғоч кўллари минтақаларида қор заҳиралари кўпайиб, кўчкилар содир бўлиши хавфи кузатиб бориляпти. Бу ишнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида вилоятимизнинг фавқулодда вазиятлар ва гидрометеорология бошқармалари, Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизмати мутахассислари, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ходимлари ҳамкорликда изчил ва самарали ҳаракат қилишаётир. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ишларини кучайтиришнинг 2006 йилги асосий тадбирлар режасига асосан қиш-баҳор ойларида сув тошқини, сел оқимлари ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ муаммолар ишчанлик билан бартараф этилмоқда.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

## ДАВЛАТ КРЕДИТИ ҲИСОБИГА

**Дастлабки даврларда йилига 7-8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси сўнгги вақтда иқтисодий қийинчиликка учради.**

Бозорда талаб катта бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасидаги бугунги изланишлар эса ишнинг ўнгланишига, корхонани иқтисодий ночор аҳволдан халос этиш учун имкон туғдирмоқда.

Ҳақиқатан ҳам 90-йилларда корхонанинг 85 фоиз маҳсулоти Мудофаа вазирлигининг буюртмасига биноан ишлаб чиқариларди. Кейинчалик бундай маҳсулотларга эҳтиёж қолмагач, маҳсулот турини ўзгартириш мақсадида корхонада бир вақтнинг ўзида қайта қуриш ҳамда технологик жиҳатдан янгиланиш бошланди. Лекин, шу йўсинда жалб этилган хорижий сармоядорлар ўз ваъдаларининг устидан чиқа олишмади.

2004 йилнинг 29 сентябридан корхонада давлатдан олинган 612000 АҚШ доллари миқдоридаги кредит ҳисобига хом ашё таъминоти анча барқарорлашди.

Акциядорлик жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаймоқда. Бу ҳолат, айниқса, ўтган йилнинг иккинчи ярмидаёқ яққол кўзга ташланиб, биринчи ярим йилликка нисбатан ўсиш икки ярим миллиард сўмга етди. Кредиторлик қарзларининг 469 миллион сўми қопланди, дебитор қарзлар эса 33 фоиз қисқарди.

Янги йилни аниқ режа билан бошлаган корхона бугун шартнома асосида «Ўзпахтасаноат», «Ўздонмаҳсулот», «Ёғ-мойтамакимаҳсулот» давлат акциядорлик компаниялари, нефть ва кон-металлургия саноати учун транспортёр лентала етказиб бераяпти. Айни пайтда «ЎзДЭУавто», «Самкўчавто» корхоналарига бутловчи резина маҳсулотлари етказиб бериш хусусида музокаралар олиб борилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, корхона аҳли 2006 йилни 8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва шу билан корхонанинг олдинги мавқеини тиклаш учун барча имкониятларни ишга солмоқда.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## ЛОЙИҲА ТАҚДИМОТИ

**БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси "Орол денгизи ҳудудида халқаро ва миллий ҳамкорликнинг баҳоси " деб номланган лойиҳа тақдимотини ўтказди.**

Кейинги ўн йилликда Орол ҳудуди бўйича қатор лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалиётда татбиқ этилди. Мазкур лойиҳа доирасида қилинаётган ишларнинг банк маълумотномаси тўпланади. Йиғилган тажрибалар асосида Оролбўйидаги экологик таназзулни олдини олишга донорлик қилувчи Марказий Осиёдаги давлатлар ва ташкилотлар учун амалий тавсиялар ишлаб чиқилади.

Тақдимот мобайнида лойиҳада иштирок этаётган донор ташкилотларнинг вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**«Туркистон-пресс».**

## ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

**Бўка тумани ижтимоий таъминот бўлимида 7650 нафар қариялар рўйхатга олинган бўлиб, улардан 4518 нафари аёллардир. Ижтимоий таъминот бўлими томонидан уларга доимо ёрдам кўрсатиб келинмоқда.**



Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 декабрдаги "2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, нафақахўр ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида 29 нафар иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, ёлғиз кексалар ва меҳнат фахрийлари Товоқсой, Олтиариқ, Косонсой сиҳатгоҳларида дам олиб қайтдилар. 23 нафар фуқарога ногиронлик аравачалари ва тиббий ортопедия маҳсулотлари олиб берилди. Ижтимоий таъминот бўлимида рўйхатда турувчи 27 нафар ёлғиз қарияларга 5 нафар ижтимоий ёрдам ходималари бириктирилиб, улар аҳволидан мунтазам хабар олиб турилмоқда. Ёлғиз қарияларга моддий кўмак бериш мақсадида 1125000 сўмлик маблағ ҳисобида озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Бундан ташқари уларга қўшимча 150000 сўм ажратилди.

**Шеркўзи ИМОНОВ, «Туркистон-пресс».**

*Истеъмолчи*

# ҚЎЛЛАНМА ТАЙЁРЛАНАЯПТИ

**Вилоятда «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вилоят ҳудудий бирлашмаси, унинг туман ва шаҳар жамиятлари томонидан ўтган йил давомида 272 та семинар-тренинглар ташкил этилди.**

Бундай тадбирларда истеъмол товарлари сотиш ва хизмат кўрсатиш қонунга қай даражада мувофиқлигини аниқлаш мақсадида истеъмолчилар ўртасида сўровномалар ўтказилди. Натижалари чуқур таҳлил қилиниб, қоидабузарлик ҳолатларига оид маълумотлар чора кўриш учун тегишли давлат идораларига юборилди.

2005 йилда амалга оширилган ишлардан яна бири вилоят савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармасининг «Ахборот маркази» билан ҳамкорликда Интернет тармоғида www.trtic.uz сайти очилганидир. Унда истеъмолчилар ва тадбиркорлар учун керакли ахборотлар мунтазам бериб борилмоқда.

Икки йилдирки, «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг ўқитилиши бўйича 16 соатлик ўқув дастури вилоятдаги мактаб ва коллежларнинг иқтисод фани дарс режасига киритилиб, ўқувчиларга етарли билим берилмоқда.

2005 йилда вилоят, туман ва шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларига 585 та шикоят ва ариза тушди. Улар атрофлича ўрганилиб, 517 таси ижобий ҳал этилди. Мурожаатлар асосида 361 та мониторинг кузатувлари ўтказилди. Ош тузларининг йодланиш даражаси, нон маҳсулотларининг вазни ва сифати жиддий ўрганилиб, камчиликлар аниқланди ва тегишли ташкилотларга таклифлар киритилди.

Ҳудудий бирлашма томонидан 2006 йилга мўлжалланган қатор режалар ишлаб чиқилди. Чунончи, ҳудудий бирлашма UNICEFнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда эндекринология илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда «Йод танқислиги ҳолатларининг олдини олишда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг роли» номли қўлланмани чоп этиш режалаштирилган.

**Зилола АБОҚУЛОВА.**

**Пскент туманидаги 23-мактабнинг ўқитувчиси Мўътабар Мусаева рўзғори учун дазмол сотиб олди. Не ажабки, уйига бориб текшириб кўрса, дазмол нобоп чиқиб турибди. Вақтни бой бермай дарҳол сотиб олган жойига учрашди.**

## ДАЗМОЛИ НОБОП ЧИҚДИ

Аммо сотувчи Баҳодир Қориев дазмолни қайтариб олиш ёки алмаштириб беришга рози бўлмади. Харидор нархи 8 минг 500 сўмлик дазмолни кўтариб, туман истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятига йўл олди. Тўғрида, пешона тери эвазига топилган пулга куйиб қолавермади?

Жамият ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан фуқаро Мўътабар Мусаеванинг истеъмолчилик ҳуқуқи тикланди.

**«Туркистон-пресс».**

**Мамлакатимизда бўлгани каби Зангиота тумани электр тармоқлари ходимлари ҳам қиш мавсумига пухта ҳозирлик кўргани боис таъминотдаги узилишларга чек қўйилди.**

# ТАЪМИНОТДА УЗИЛИШ ЙЎҚ



Тайёргарлик жараёнида тумандаги электр тармоқларига қарашли мавжуд ўнта ёрдамчи электр узатиш тармоғи ҳамда 243 та трансформатор тўлиқ жорий таъмирдан чиқарилиб, шундан ўн биттаси капитал созланди. Ўтган йили тўрт юздан зиёд ташкилот билан шартномалар имзоланди. Лекин, саксонга яқин ташкилот шартномада кўрсатилган шартларни бажармай келяпти. Бу эса ўз навбатида дебиторлик қарзларининг камайишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис керакли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

***СУРАТДА:** электр усталари Камол Азимов ва Лутфулло Абдуллаев.*

**Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.**

*Меросимиз хазинасидан*

# НАЗМ ВА НАСРДА ТЕНГСИЗ БЎЛГАН ЭКАН

**Рашидиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Абулжалил (тахаллуси — Ватвот) 1087 йили зиёли оилада дунёга келди. Дастлаб хусусий муаллимларда таҳсил кўрган Рашидиддин кейин мадрасада ўқиди. Имом Абусаид Хиравий йигитнинг тарбияси билан жиддий шуғулланди. У ўқиш жараёнида калом, сарфу наҳв, фалсафа, адабиёт назарияси, аруз илми, иншо ва баён илмларини пухта эгаллади. Рашидиддин тахминан 1115-20 йиллар орасида Хоразмга келиб, мушоира ва баҳсу мунозараларда ўз илмини намойиш этиб, Муҳаммад Хоразмшоҳ Отсиз назарига тушди. Натижада хоразмшоҳлар даргоҳида турли вазифаларда ишлади ва маликушшуаро даражасига етди.**

Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират-уш-шуаро»сидаги (XVI аср) маълумотларга қараганда, Рашидиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ наздида жуда баланд мартабага эга бўлган ва унинг урушу сафарларида, базму зафарларида ҳамроҳ бўлган. Салжуқийларнинг Хазораспга ҳужуми давридаги жанг пайтида Рашидиддин кўрсатган оқилона жасорат бу фикрни тасдиқлайди. Машҳур олим Забеҳулло Сафо ўз китобида Рашидиддиннинг Хоразмдан ташқаридаги обрўси ва шуҳрати ҳақида қизиқарли далиллар келтирган. Давлатшоҳ шоир тўқсон етти йил умр кўриб, тахминан 1184-87 йилларда вафот этган ва унинг қабри Урганчда, деб ёзади. Олим ўз тазкирасида Ватвотнинг маҳоратию жасорати ҳақида қизиқарли ривоятлар келтирган. Рашидиддин Ватвот аруз назарияси, тилшунослик, тасаввуф, тарих ва бошқа соҳаларга доир кўплаб рисолалар ёзган. Классик шеъриятнинг барча жанрларида мумтоз асарлар яратган. Айрим манбалар, қомус ва рисолаларда шоир девони етти-саккиз минг байтдан иборат, деб эътироф этилади. Аммо Давлатшоҳ «Рашидиддиннинг девони 15 минг байтга яқиндир» деб қайд қилган. (Давлатшоҳ Самарқандий, «Тазкират-уш-шуаро», Д.: Адиб, 1999, 45-бет).

Шоир девонида ғазал, қасида, рубоий, таркиббанд, таржеъбанд, маснавий сингари жанрлардаги асарлар жамланган. Ватвот араб ва форсий тилларда баробар бокира шеърлар битган зуллисонайн санъаткордир. Девонидаги 223 та қасиданинг кўпи ижтимоий-фалсафий, сиёсий масалаларга бағишланган. Жумладан, 153 та қасидада замонасидаги давлатни бошқариш, адолатпарварлик, жанг ўрнига сулҳ, ҳукмронларга насиҳат каби масалалар ўз ифодасини топган, уларда шоҳларни адолатпеша, халқпарвар, илму маданиятга пушту паноҳ бўлишга даъват — етакчи ғоявий мотивлар ҳисобланади.

Рашидиддин Ватвот ўзидан кейин кўплаб рисолалар қолдирган. Мазкур рисолалар, муншаотдаги номалари давр ижтимоий-сиёсий ҳаёти, адибнинг фалсафий-ижтимоий қарашлари, адабий жараённи, таржимаи ҳолининг кўп қирраларини ўрганиб, билиб олишда ноёб манбалар ҳисобланади. Масалан, Ватвот аруз назариясининг кўп жиҳатларини теран ёритган, 29 баҳрнинг мукаммал таснифини берган.

Ўтмиш тазкиранавислари, олиму фузалолари Рашидиддин Ватвотнинг фавқулодда иқтидори, шеърларининг балоғатига юксак баҳо беришган. Жумладан, Ёқут Ҳамавий «Рашид даврон нодири ва замон ажойибидир, унинг асрида араб адиблари орасида назм ва насрда у билан рақобат қиладиган ижодкор топилмасди», деган. Афсуски, хоразмшоҳлар давлатининг зийнати, Замахшарийнинг яқин дўсти Рашидиддин Ватвотнинг ижоди тарих фанлари доктори У. Увватовнинг «Рашидиддин Ватвот Хоразмда» мақоласини ҳисобга олмаганда ҳали етарли тадқиқ этилмаган, шеърлари ўзбек тилига таржима қилинмаган.

**Ҳамиджон ҲОМИДИЙ, профессор.**

*Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар*

# МУАЛЛИМА

**Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларнинг бу йилги танловида ҳам вилоятимизнинг энг сара қизлари республика босқичига йўлланма олишди. Улар сафида фан йўналиши бўйича паркентлик Роҳила Алимбоева ҳам бор.**

Роҳила 1983 йил Паркент шаҳрида ишчи оиласида туғилди. У дастлаб тумандаги 2-умумтаълим мактабида, 8-синфдан бошлаб эса ҳозирги 5-ихтисослашган мактабда таҳсил олди. Касб танлаш болаликнинг ширин орзуларидан бири. Роҳила 5-синфда ўқиб юрган кезлари севимли устози, математика ўқитувчиси Машкура Ҳикматовага ихлос қўйди. Унга ўхшагиси келар, бунинг учун эса, фанларни пухта ўзлаштириши лозимлигини ҳис қиларди. Устозининг нутқ маданияти, дарс ўтиш услуби, билим доирасининг кенглиги, қолаверса, дунёқараши Роҳилада катта ҳавас уйғотди.

— Машкура опа, — дейди Роҳила, — ўқувчилардаги руҳиятни тўла ҳис этиб, бутун синфни ўзларига жалб қила олардилар. Тўғри, бу хислат ҳар бир педагогга хос бўлиши лозим. Лекин ўқувчиларни фанга қизиқтира олиш ва шу орқали яхши натижаларга эришиш анчайин машаққатли меҳнат ва пухта билим талаб этади.

Роҳила фанни аъло ўзлаштирибгина қолмай, математика билан боғлиқ тарихий маълумотларга ҳам қизиқиши ортди. Шу боис, кўплаб алломалар, жумладан, ал-Хоразмий ижоди билан яқиндан танишиб борди. Олимнинг мураккаб тенгламаларни ечиш усулларини синчиклаб ўрганди. Олимпиадаларда иштирок этиб, уч йил давомида туман ғолиблигини қўлга киритди. Талаба бўлиш иштиёқи унга тинчлик бермасди. Бунинг учун астойдил интилди.

2000 йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг физика-математика факультетига математика-информатика ихтисослиги бўйича ҳужжат топширди.

— Ўшанда қизиқ бир синоатни бошимдан кечирганман, — деб хотирлайди у. — Абитуриентликка еттинчи бўлиб рўйхатга тушдим. Шунда қувончларини яшира олмаган онам «талабаликка ҳам еттинчи бўлиб қабул қилингин» деб ният қилдилар. Ҳаммаси бўлиб 65 нафар абитуриент кириш имтиҳонларини топширдик. Натижаларини сабрсизлик билан кута бошладик. Ниҳоят, эълон қилинди. Буни қарангки, давлат гранти асосида еттинчи бўлиб талабалик шарафига муяссар бўлибман. Ғалаба мени янада руҳлантириб, «олтин давр»ни ҳам бошлаб юбордим. Аъло баҳоларга ўқиб, университет бўйича 2003-2004 ўқув йилида «Энг яхши талаба» унвонини қўлга киритдим. Иккинчи курсдан то битирув йилигача ал-Хоразмий номидаги Давлат стипендияси соҳибаси бўлдим.

Роҳила бугунги кунда тумандаги 2-умумтаълим мактабида ўрта ва юқори синфларга математика-информатика фанидан дарс беради. Дарс ўтиш жараёнида ноанъанавий педагогик усуллардан ҳамда замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланади. У ўз иш фаолиятини «Математика фанини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш» йўналишида олиб бормоқда. Ўтган йили ўқитувчиларга услубий ёрдам кўрсатиш борасида туман халқ таълими бўлими томонидан ўтказилган бир кунлик назоратда Роҳила Алимбоеванинг ноанъанавий дарс усуллари оммалаштиришга лойиқ деб топилди. У 5-синфга раҳбарлик қилиш билан бирга дарсдан ташқари тўгарак ташкил этган. Машғулотлар давомида иштирокчилар тарихий маълумотлар, алломалар ҳаёти ва ижоди ҳақида пухта билимга эга бўлишмоқда.

Вилоятимиз вакиласи Роҳила Алимбоеванинг намунали ҳулқи, изланувчанлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги, фан соҳасидаги муваффақиятлари танловнинг вилоят босқичида холисона баҳоланиб, у Зулфия номидаги Давлат мукофотининг фан йўналиши бўйича республика босқичида иштирок этиш шарафига муяссар бўлди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**



***СУРАТДА:** вилоят номзоди — Роҳила Алимбоева.*

## ТАЛАБАЛАРГА «КАМОЛОТ» СТИПЕНДИЯСИ

**Мамлакатимиз ёшларини соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоён этиб, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароитлар яратиб бериш ҳамда истеъдодли, аълочи талабаларни рағбатлантириб бориш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг стипендияси жорий қилинган эди.**

Ҳаракатнинг Юқоричирчиқ туман кенгаши ташаббуси билан қурилиш-иқтисод касб-ҳунар коллежининг 11 нафар иқтидорли талабаларига «Камолот» стипендиясини бериш йўлга қўйилди. Ташкилот томонидан халқ банкининг Янгибозор бўлимида алоҳида ҳисоб рақами очилиб, аълочи талабалар илк мукофотни олдилар.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

## «МАШҲУРАХОНИМ» ЯНГИБОЗОРДА

**«Машҳура» фирмасининг эзгу ва хайрли ишлари ҳақида эшитмаган, билмаган одам бўлмаса керак. Чунки, у ерда ёшлар ўзлари севган касбларида таҳсил олиб, ҳунар эгаллашмоқда.**

Юқоричирчиқ тумани Янгибозор қўрғонида ҳам фирманинг янги «Машҳурахоним» бўлими ўз фаолиятини бошлади. Эндиликда ёшлар бичиш-тикиш, қандолатчилик, сартарошлик сирларини мукаммал ўзлаштириш имконига эга бўлишди. Қувонарлиси шундаки, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оила фарзандлари учун «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳомийлигида ушбу муассасада бепул ўқиш имкони туғилди.

**Мўмин ИБОДОВ.**

# ОЛАМДА НИМА ГАП?

## МЎЛЖАЛДАГИ ЮМУШЛАР

**УКРАИНА президенти Виктор Ющенко мамлакат аҳлига мурожаатномасида 2006 йилни «Миллий ислоҳотлар» йили деб эълон қилди.**



У янги конституция қоидаларини тан олиб, Радага ҳалол сайловлар ўтказилиши тарафдори эканлигини эътироф этди. Ташқи сиёсат соҳасида Украина раҳбари Москва билан муносабатларни янгилаш ҳамда НАТОга аъзо бўлиб кириш учун бор имкониятларини ишга солажагини билдирди.

**РОССИЯ пойтахтида ҳаво ҳароратининг кескин пасайиши муносабати билан киритилган қурилиш ишлари борасидаги чекловлар бекор қилинди.**

## ҚИШНИНГ ЙЎРИҒИ

Шу билан бирга қурилиш мажмуи ер ўйиш ишлари мобайнида ўта эҳтиёткорликка риоя қилишни тавсия этмоқда. Бундан ташқари Москва раҳбарияти қувватлар сарфини тежаш масаласини ҳам ўта муҳим омил деб ҳисоблаяпти.

## РАИС ЎЗГАРДИ

**ИРОҚнинг собиқ президенти Саддам Ҳусайн иши бўйича трибунал янги раисининг номи эълон қилинди.**



Душанба куни янги раислик қилувчи тайинланганлиги маълум қилинган бўлса-да, унинг кимлиги фақат кечга бориб ошкор этилди. Трибунал раҳбари этиб 64 ёшли курд Рауф Рашид Абдул Раҳмон тайинланган.

## НОСОЗЛИК ТУФАЙЛИ

**ЧЕРНОГОРИЯ пойтахти Подгорица яқинида жарга қулаган йўловчи поезд парчалари остидан қутқарувчилар 39 та ҳалок бўлганлар жасадини ҳамда 135 дан ортиқ жароҳатланганларни олиб чиқишди.**

Ўрганишнинг илк натижаларига мувофиқ, состав ҳалокати локомотив тормоз тизимининг носозлиги туфайли юз берган.

## ДАСТЛАБКИ ЯКУН

**КАНАДАдаги парламент сайловларида, дастлабки маълумотлага кўра, мухолиф консерватив партия ғалаба қозонаяпти.**

46 ёшли Стивен Харпер бошқараётган консерватив партия мамлакатда душанба куни ўтказилган сайловлар чоғида ҳукмдор либерал партияга нисбатан кўпроқ овоз тўплагани қайд этилмоқда.



## ИНКОР ЭТИЛГАН ДАЛИЛ

**АҚШ давлат департаментининг расмий вакили Шон Маккормак Фаластиндаги ҳукмдор ФАТХ ҳаракатининг сайловолди фаолияти учун Қўшма Штатлар икки миллион доллар ажратганини инкор этди.**



Унинг сўзларига қараганда, мазкур маблағ демократик муассасаларни ривожлантириш учун ажратилган.

## БОРТИДА ЙЎЛДОШ БИЛАН

**ЯПОНИЯ космик агентлиги сешанба куни Ер мониторинги йўлдоши ортилган элтувчи ракетани муваффақиятли учиришга эришди.**

Бортида ALOS йўлдоши жойлашган H-2A элтувчи ракетаси мамлакат жанубидаги Кюсю оролининг Кагосима префектураси ҳудудидаги Танэгасима космодромидан маҳаллий вақт билан 10:33 да парвозга йўл олди.

# Ўйлаб топилмаган ҳикоялар

## МИРЗАБЕК ҚИССАСИ

### КУТИЛМАГАН УЧРАШУВ

Эртаси куни ётоқхонамиздан нарироқдаги масжид домласига учрашдим. Ўзимни таништириб, воқеани тушунтирдим. Гапларимни эшитиб туриб, домланинг юзи ёришиб бораётгандек туюлди. Бир пайт:

— Ҳой, ҳой, ўғлим, — деди гапимни бўлиб, — сен ўша Миша боксчимисан?

Ҳайрон бўлиб қолдим. Ҳа дейишимни ҳам, йўқ дейишимни ҳам билмасдим. У ҳолатимни тушунди шекилли, жавобимни кутиб ўтирмади, яна ўзи гап бошлади:

— Балли сенга, ўғлим. Ўша кезлари ўғрию кисавурларни обдон тизгинладинг-да. Менинг кенжа ўғлим ҳам сенинг зарбаларингни татиб кўрган, — домла кулимсиради. — Ўзиям гапга кирмай, қулоқсиз бўлиб бораётганди. Бозорчиларни қақшатиб, чўтал ундира бошлагани қулоғимга чалиниб, эвини қилолмай юргандим. Бир оқшом хуфтон намозини ўқиб, ҳовлига кирсам, уч-тўрт бола бир айвон бўлиб ўтиришибди. Бир ёнда кенжам ётибди бир ўрин бўлиб, «вой-вой»лаб. Суриштирсам, Миша боксчининг қўлига тушган экан. Обдон таъзирини ебди ўзиям. Катта-кичикка бўй бермай юрган бола шу-шу ўзини босиб олди, босмахонага ишга кириб кетди. Ҳозир Харкўпда ўқияпти, матбаачи-муҳандис бўлади.

Домла яна бир бор «раҳмат-е», деб қўйди кейин:

— Хўш, ўғлим, гапнинг индаллосини айт-чи? — деб сўради.

— Қизнинг ёши тўлмаган экан, ЗАГС қоғоз бермади.

— Об-бо, — домла бир фурсат хаёл суриб ўтириб, ниҳоят хулоса қилди. — Ҳай, майли, никоҳни ўзим ўқийман, ўғлим. Юзгинангни асло сўлитма. Тўғри, андак қонундан четга чиқамиз, лекин муҳими — натижа. Бу ишимизнинг натижаси савобли.

### ҲИММАТ

Улфатларим эрта билан ётоқхона ҳовлисига бирин-кетин кириб кела бошлашди. Бирга чой ичдик. Кун бироз ёйилгач, ҳовлига чиқдик. Шу пайт дарвозадан Анваржон кириб келаверди. Оппоқ бидонни, қалин картон қоғоз қутини бир чеккага қўйиб, Ҳокимжон акага қўл узатди.

Жўраларим ҳамма нарсани бадастир қилиб, машинага юклашди. Шунда Ҳокимжон ака қўлимга уч юз сўм пул тутқазиб: «Бу сут пули, уёқдагиларга берасан», деди. Шу пайт дарвозада цех бошлиғимиз кўринди.

— Кеч қолдимми, дея хавотирланиб келаётгандим, хайрият, — деди у. Кейин менга катта бир конверт узатди. — Бу цехимиздан, ҳамкасбларингнинг тўёнаси, ука. Бахтли бўлинглар.

Хуллас, шофёр ёнига ўтириб, тўйни ўзим олиб бордим...

Қисқаси, тўй ҳам жуда файзли ўтди. Маҳалла оқсоқоллари, қишлоқ катталари йиғилиб келишди. Ёш-яланг кўп тўпланди. Даврада каттаю кичик ўйнаб-яйради. Сўз олиб гапирганлар, совға-саломни топшириб, бахту омад тилаганлар қанча. Ҳаммадан Ҳокимжон ака билан цех бошлиғимизнинг гаплари таъсирли бўлди. Охири фотиҳа ўқилиб, ёр-дўстлар бирин-сирин тарқала бошлашди. Хайрлашаётиб, Ҳокимжон ака қайнонамга:

— Онажон, укамизни сизга топшириб кетаяпмиз, — деди. — Қўша қаришсин, хонадонлари фарзандларга тўлиб, яйраб-яшнаб яшашсин. Сизнинг хизматингизда бўлишсин.

Қайнонам: «Омин!», деб дуога қўл кўтарди. Унга ҳамма қўшилди.

### ҚУВОНЧ ЁШЛАРИ

Тўйдан кейин ҳафта-ўн кун ўтиб, кечки пайт ишдан келсам, ҳовлида қайнонам юрибди. Ўз хаёллари билан бўлиб, дарвозахонада тўхтаганимни, уни кузатиб турганимни пайқамади ҳам. Қарасам, Гулнора ювиб, қуриши учун дорга илиб қўйган майкаларим, кўйлакларимни сийпалайди, алланималар дея пичирлайди, ўзига ўзи гапириб қўяди. Аввалига гап нимада эканлигини тушунмай ҳайрон бўлдим, таажжубланиб туриб қолдим.

— Ўзингга шукр, — ниҳоят қайнонамнинг сўзларини илғай бошладим. — Кўрсатганингга шукр. Мана, бу хонадонда ҳам эркак киши пайдо бўлди, ҳовли-жойни, рўзғорни чин хўжаси ўз қўлига олди...

Қайнонам оқ майкани пайпаслаб, юзларига босди, кўзларига суртди.

— Ўғил фарзанд бермадинг, деб ёзғирардим, — дерди қайнонам. — Гап буёқда эканини, атаб қўйганинг борлигини қайдан билсин, бу нодон хотин. Мана, кўрсатдинг, кўнглим тоғдек кўтарилди, хотиржам бўлдим. Энди омонатингни олсанг ҳам розиман...

Қарасам, қайнонамнинг елкалари титраб-силкинаяпти. «Шу аснода менга кўзи тушса, не аҳволда қолади, яхшиси кўрмай тураколсин», деб секин ташқарига чиқиб кетдим. Нарироқда Гулнора даладан қайтиб келаётган экан, қўлимдаги сумка билан дарвозадан чиқиб келганимни кўриб, қадамини тезлатди.

— Ҳа, тинчликми? Нега бу алфозда кўчада турибсиз?

Мен: «Секинроқ гапир», дея им қоқдим, ёнимга етиб келгач, ҳовлига ишора қилдим, дарвозадан бош суқиб, чамаси, онасининг аҳволи-руҳиятини тушунди шекилли, менга ўгирилди. Унинг чеҳраси, шаҳло кўзлари кулиб турарди. Лекин мижжаларидан ёш силқиб чиқа бошлаганини сезиб қолдим, қўлларидан ушлаб, ҳовлига бошлаб кирдим. Зинапояда қайнонам иккаламизни узоқ бағрига босиб турди.

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ.**

(Давоми бор).

● Sport ● Sport ● Sport ● Sport

## ЎҚУВЧИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

**Мамлакатимизда янги авлод тарбиясига, хусусан, ёшларнинг маънан етук, жисмонан соғлом бўлиб вояга етишлари учун зарур шарт-шароитлар яратишга устувор вазифа сифатида қараб келинмоқда. «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармон ижроси юзасидан қилинаётган ишлар кўлами, айниқса, кенг кулоч ёймоқда.**





Ана шундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, айни вақтда Чиноз туманидаги 6-умумтаълим мактаби ҳам замонавий, бежирим қиёфа касб этди. 844 ўринли мактаб биноси капитал таъмирланиб, мавжуд шарт-шароитлар тубдан яхшиланди, таълим олувчиларга қўшимча қулайликлар яратилди. Айниқса, мактабнинг ўзида барча зарур шароитларни мужассам этган шинам ва ёруғ спорт зали ўқувчиларга ғоят манзур бўлмоқда. Бу ерда турли машғулот ва мусобақалар ўтказишдан ташқари спорт тўгараклар ҳам очилган.

Халқ таълими вазирлиги қошидаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ўқувчиларнинг севимли масканларига айланган мўъжаз спорт муассасасини замонавий талабларга жавоб берадиган даражага келтириш ва жиҳозлашда яқиндан кўмак бериб келаётир. Жамғарманинг вилоят бўлими томонидан мактабда яна бир хайрли тадбир ўтказилди. Мактаб ўқувчиларининг жисмоний тарбия билан янада фаол шуғулланишлари учун 7,5 миллион сўмлик турфа спорт анжомлари, сифатли жиҳозлар тортиқ этилди.

***СУРАТЛАРДА:** келтирилган спорт анжомларини топшириш пайти.*

**Ҳусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.**

## «ИНТЕР» – ТУРНИР ҒОЛИБИ!

**Чирчиқ шаҳрида мини-футбол бўйича якунланган турнирнинг дастлабки босқичида ўн жамоа икки гуруҳга бўлиниб, бир даврали тизимда ўзаро куч синашди. Гуруҳларда дастлабки икки поғонани эгаллаган пойтахтнинг "Интер", "Эстроуд", "Восток-холдинг" ва Ғазалкент шарафини ҳимоя қилган "Бўстонлиқ сут-2" жамоалари турнирнинг финал қисмига йўлланма олди.**

Биринчи ўрин учун ўтказилган беллашувда "Бўстонлиқ сут-2"ни 4:7 ҳисобида мағлубиятга учратган Тошкент шаҳрининг "Интер" жамоаси футболчилари бош совринн соҳиби бўлди. Учинчи ўрин учун бўлган учрашувда "Восток-холдинг" вакиллари "Эстроуд" жамоасини 6:4 ҳисобида доғда қолдирди.

Турнирда "Восток-холдинг" футболчиси Василий Рижов мусобақанинг "Энг яхши ўйинчиси", "Бўстонлиқ сут-1" жамоаси посбони Дилмурод Рўзматов "Энг яхши дарвозабон", рақиблар дарвозасини 24 маротаба ишғол қилган "Бўстонлиқ сут-2" ҳужумчиси Акбар Пўлатов "Энг яхши тўпурар" номинациялари бўйича махсус совринлар билан тақдирланди.

**ЎзА.**

*Шундан кейин*

### ЭҲТИЁТ ЧОРАСИ

**Буюк Британия амалдорлари 30 йилдан зиёдроқ вақт муқаддам вазирлар маҳкамаси аъзоларига Шимолий денгиз қаъридаги нефть заҳираларининг чинакам қийматини сир тутишни маслаҳат берган эканлар.**

Уларнинг эътироф этишича, фақат шу тариқа Шотландиянинг Буюк Британиядан ажралиб кетмаслигининг олди олинган, фунт стерлинг инқирози ва иқтисодий бўҳронларга йўл қўйилмаган.

### ОВОЗЛИ ХАРИТА

**iBIT U250 Windows – коммуникатори энди GPS – навигатор ва ахборотларни овозлаштириш воситалари билан жиҳозланди.**

Бу айниқса, автомобиль бошқарувчилар учун қулай. Чунки, уларнинг йўлда экран мосламасига қараб туришларига ҳожат қолмайди. Аппарат қувват манбаига тобе бўлмаган катта ҳажмдаги хотирага эгалиги боис кўплаб жой хариталарини эслаб қолади.

### НОЖОИЗ ЭКСПОРТ

**Yamaha компанияси тақиқлаган ускуналарни экспорт қилишда айбланмоқда.**

Айбловчиларнинг фикрича, Хитойга сотилган, учувчисиз бошқарилувчи R-MAX вертолётларидан ҳарбий мақсадларда ҳам фойдаланиш мумкин. Хусусан, Yamaha Япония мудофаа хизматига сотган тўртта шундай вертолёт Ироқдаги япон қўшинлари жойлашган ҳудудда патруллик қилмоқда.

### МУОЛАЖА АСОРАТИ

**Жанубий Кореяда тана ҳужайраларидан фойдаланиш иши бўйича кенг кўламли тергов бошланди.**

Бунинг сабаби, бундай ҳужайралар қўлланиладиган муолажа усулига розилик билдирган беморларнинг аксарияти ҳозир оғир асоратлардан азобланаётганидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги ПК-255-сонли қарорига асосан Янгийўл туманидаги У. Юсупов, А.Навоий, У. Болтабоев номли, «Янгийўл», «Янгиобод» ширкат хўжаликларини тугатилиши муносабати билан ер участкалари бўйича тендер танловлари, боғ ва токзорларни ёпиқ ҳолда мол-мулклар, бино ва иншоотлар очиқ ҳолда кимошди савдолари орқали сотувга қўйилади.

**Мурожаат учун телефонлар: (8-258) 61-566, 62-108.**

## ЁШЛАР САНЪАТИ ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТМОҚДА

**Ўзбекистон миллий матбуот марказида санъат йўналишидаги халқаро фестиваль ва танловларда совринли ўринларни қўлга киритган ёш ижрочиларнинг "Тасанно" тақдимот маросимига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

Кейинги йилларда иқтидорли ёшларни тарбиялаш, уларга ўз истеъдодини рўёбга чиқариш учун қулай шарт-шароит яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги олий ва махсус таълим масканларида муайян ишлар амалга оширилди. Россия, АҚШ, Италия, Франция, Германия, Греция, Қозоғистон ва Озарбайжон каби давлатларда бўлиб ўтган нуфузли халқаро фестиваль ва танловларда ўзбекистонлик ёшларнинг иштироки бунга яққол мисол бўла олади. Ҳозиргача мазкур фестиваль ва танловларда 67 нафар талабалар ғолибликни қўлга киритган.

Жумладан, 2004 йил Москвада ўтказилган халқаро эстрада танловининг "Гран-при" совринига ҳамюртимиз Карина Тимофеева сазовор бўлган. Абдумалик Абдуқаюмов эса опера ижрочилари ўртасида Қозоғистондаги халқаро танловда биринчи ўринни, Озарбайжонда ўтказилган "Булбул" халқаро танловида бош совринни қўлга киритган. Шубҳасиз, халқаро фестивалларда муваффақият қозонаётган ёшларимиз ўзбек мусиқа санъатининг келажаги ҳисобланади.

**«Туркистон-пресс».**




Шаҳардаги осмонўпар уйлардан бири. Содиқжон олтинчи қаватнинг балконида ёнбошлаганча телевизор кўриб ётибди. Эшик тақиллади. Содиқжон ётган ерида товуш берди:

— Хоним, қарагин-чи, ким экан?

Зумрадхон шипиллаб эшикка борди. Тезда қайтди.

— Ўлсин, дам олиш куни ҳам тинч қўйишмайди, — деди энсаси қотиб. — Қишлоқча кийинган бир одам. Сизни сўраяпти.

Содиқжон эриниб турди. Бўсағада ийманиб турган тоғасини кўриб, кулиб юборди.

— Ие, ие, киравермайсизми, тоға! Оббо, тоғажоним-е, кўзни чирт юмиб, бир жиянларни йўқлаб келай дебсизда, а? Қани, келсинлар...

Тоға-жиян етаклашиб ичкари кирдилар.

— Ахир бу Турсунбой тоғамлар-ку, аяси, танимадингми? — деди Содиқжон бир четда ҳурпайиб турган хотинига.

— Ўн йилда бир кўриши, қайдан танисин, — деди тоға халтасини бир бурчакка қўяркан.

— Энди хафа бўлмайсиз, тоға, — деди Содиқжон, — кейинги пайтда келинингиз склероз деган касалга чалиниб қолди. Кеча нима овқат единг, деб сўрасангиз ҳам эслай олмайди.

Хотин четга қараб афтини буриштирди. Тоға, қўлимни чайиб олай, деб ваннахонага кириб кетди. Зумрадхон эрига суйкалди:

— Нимага келди экан, билмайсизми?

— Қизиқмисан? Эшикдан кирмасдан, хўш, хизмат деб ёқасидан оламанми? Янги йил баҳона жиянларни бир кўрай деб айланиб келган-да.

— Бунақалар бекордан-бекорга «айлане-еб» келмайди. Шунча йил сувга чўккандай дом-дараксиз кетган одам... нечук бирдан жиянини соғиниб қолибди? Бир касали борки, келган!

— Ҳа, майли, ёлғиз тоғамиз экан, нима гап, нима сўз, аввал эшитайликчи, хотин.

— Ҳеч қанақа ёрдам-пордам қилмайсиз, билиб қўйинг. Шунча йил бировларнинг олдига тушиб югурганингиз етар. Бирортаси миннатдор бўлдими?

— Ҳа, бўпти, кўп вайсамай дастурхон ёз, чой қўй.

Шу пайт тоға юз-қўлини артганча қайтиб кирди.

— Аммо Тошканни суви болдай ширин-да, жонивор ичган саринг ичгинг келади... Келин, холангиз жиянчаларга атаб у-бу солаётганди. Анави сумкани қаранг-чи.

Зумрадхон ёлғон димоғ қилди:

— Бекорга овора бўлибсиз-да. Бозордан олиб турибмиз...

— Бу табаррук, — деди тоға дуо қилиб, — ўзимизнинг боғда пишган мевалардан.

Содиқжон ҳол-аҳвол сўраган бўлди:

— Қалай, тоға, Деновлар обод бўляптими? Жиянлар қалай? Каттаси Нодирмиди?

— Собир.

— Ҳа, ҳа, Собир. Катта йигит бўлиб қолгандир?

— Мактабни битириб, бир йил ёнимда ишлади. Биз ҳам ҳозир пермер бўлганмиз. Бу йил армияга кетди. Ундан кейингиси Қодир. Эрта-мертан у ҳам мактабдан чиқади. Аммо калласи ишлайди, ҳисоб-китобга зўр.

— Унда ўқитиш керак экан, — деди Содиқжон эснаб. Зумрадхон ошхонада қулоғини динг қилиб турган эди. Эрининг гапини эшитди-ю, тағин тоғасига ваъда бериб юбормасин, деб апил-тапил чой дамлаб кирди. Эридан олдин гапга аралашди.

— Ҳозир институтга кириш бирам қийин бўлиб кетган... Бултур ёзда бу кишининг ишхонасидаги тўпалангни кўрсангиз эди. Комиссия устига комиссия! Домлаларга тилхат ёздиришган. Институт олдига қандай машина келса, номерини ёзиб олишибди. Ишонасизми, тоға, ректорнинг жияни ҳам киролмади ўқишга. Ҳеч бунақаси бўлмаган.

— Тўғри-да, — деди тоға бош силкиб, — токайгача ё зари бор, ё зўри бор ўқийди. Ҳалоллик бўлиши керак-да.

— Шунақа дейсиз-у, лекин сизга ўхшаган жигарларига ёрдам беролмагани учун жиянингиз хижолат бўладида, тоға. Ўзлари ҳам яқинда институтдан кетаман, деб юрибдилар.

Зумрадхон: «Гапирмайсизми?» дегандек эрининг оёғини босиб қўйди.

— Ҳа, домлачилик қийин бўлиб кетди, — деди Содиқжон ноилож.

Тоға чойини ичиб пиёлага кафтини босди. Шумлиги тутди. Муртидан кулиб деди:

— Э, чатоқ бўлибдию... Биз ҳам кичкина бир илтимос билан келиб эдик, э!

— Қўлимиздан келса, майли, — деди Содиқжон мужмалроқ қилиб. Тоға эрхотиннинг бетига тикка қаради:

— Билишимча, одамлар илтимос билан келавериб, безор қилиб юборганга ўхшайди.

Келинга жон кирди:

— Жуда жонимизга тегишди, тоға, — деди бошини эгиб.

— Мен унақа хилидан эмасман. Ҳалигача бирон ишимни тўғрилаб бер, деб олдингга келдимми?

— Йўқ, келмадингиз, тоға, лекин...

— Омон бўлсам бундан кейин ҳам келмайман. Ҳар ким ўз бошини ўз тирноғи билан қашлагани тузук. Бировнинг ҳимматига кўз тиккунча, ўз меҳнатингга ишонганинг маъқул, жиян... Хўш, илтимосим шуки, мен ёлғиз тоғангман. Ёшим олтмишдан ўтди. Қишлоқда, қариндош-уруғ дегандай, энангнинг кўзини кўрганлар бор. Гоҳи-гоҳида шуларни ҳам йўқлаб тур.

Содиқжон аранг оғиз очди:

— Тўғри, айб бизда...

— Адашмасам, қишлоққа қадам босмаганингга ўн йилдан ошди. Қўрқмай боравер, жиян, амма-холаларингга айтиб қўяман, сендан ҳеч нима илтимос қилишмайди. Қайтангга йўлкирангни ҳам беришади. Келин, Содиқжонни туртиб туринг, баъзи-баъзида саватбошларни ҳам йўқлаб қўйса савоб бўлади, хайми?

Келин гул-гул очилиб кетди:

— Вой, раҳмат, тоғажон! Хўжайин отпуска олсалар, болаларни етаклаб борамиз. Невараларингиз ҳам қишлоқни роса соғинишган...

Тоға бўш халтасини қўлтиққа уриб ўрнидан турди. Эшикка борганда ўгирилди:

— Хайр, омон бўлинглар. Лекин менинг илтимосим эсинглардан чиқмасин-а?

Эр-хотин қўлларини қовуштириб қуллуқ қилиб қолишди.

Эшик ёпилди. Содиқжон жойига келиб ўтирди. Сочларини чангаллаб бош чайқади:

— Кичкина илтимос... Йўқ, бу илтимос эмас, бўйим баравар калтак бўлди, калтак...

**Саъдулла СИЁЕВ.**

*Қилмиш-қидирмиш*

## ЎҒРИЛИК ФОШ ЭТИЛДИ

**Олмалиқ шаҳар ички ишлар бўлимига фуқаролардан келган аризага кўра, номаълум шахс томонидан шаҳар троллейбус бошқармасига қарашли дала ҳовли ҳудудидан 45 метр узунликдаги алоқа воситаси симлари ўғирлаб кетилган.**

Воқеа жойини синчковлик билан кўздан кечирган тезкор ходимлар томонидан жиноятни 1953 йил Фарғона шаҳрида туғилган М. Леонид содир этганлиги аниқланиб, ундан ашёвий далиллар олинди.

Шунингдек, шаҳарда истиқомат қилувчи фуқаро Ф. Шоиранинг хонадонидан номаълум кимса томонидан 340 минг сўмлик уй-рўзғор буюмлари ўғирлаб кетилган. Жиноятни содир этишда гумон қилинаётган О. Нозим суҳбатдан ўтказилганда, ундан ашёвий далиллар топилди.

Ҳозир ҳар икки ҳолат юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

**Шерали АНВАРОВ, вилоят ИИБ матбуот марказининг катта инспектори.**

Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2006 йил 16 январдаги 11-0622/373-сонли иши ажримига асосан, Зангиота туманида жойлашган «Крахмал» акционерлик жамиятига нисбатан банкротлик таомили қўлланилиб, Кузатув жорий қилинган ва Мувaққат бошқарувчи этиб А. Қосимов тайинланган.

Шу муносабат билан 2006 йил 22 февраль соат 10.00 да «Крахмал» АЖ биносида кредиторлар йиғилиши бўлиб ўтади. Ушбу йиғилишда кредиторлар ишончнома билан қатнашишлари шарт.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун муддат ичида қабул қилинади.

**Манзил:** Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Тўқимачи» ш/х, Иттифоқ қишлоғи.

**Маълумот учун телефон: 42-39-24 (Тошкент шаҳри).**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-342. Адади 12342. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.50. 1 2 3 4 5